

**Нурилло Имомов,**

Юридик фанлар доктори, профессор



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-9-11>

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ**

**Аннотация:** мақола комплекс курашишни тақозо этадиган ҳуқуқбузарлик ҳисобланган коррупция тушунчаси ва моҳияти, унга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситаларининг таҳлилига бағишланади. Муаллиф коррупцияга қарши курашда фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситалар сифатида етказилган зарарни қоплаш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш, шартномага коррупцияга қарши изоҳни киритиш каби усул ва воситаларни ёритиш ва шулар асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни илгари суради.

**Калит сўзлар:** коррупция, ҳуқуқбузарлик, битимни ҳақиқий эмас деб топиш, зарарни қоплаш, маънавий зиённи қоплаш, шартнома, даъво, коррупцияга қарши изоҳ.

---

**Имомов Нурилло,**

Доктор юридических наук, профессор

## **ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫЕ СПОСОБЫ И СРЕДСТВА БОРЬБЫ ПРОТИВ КОРРУПЦИИ**

**Аннотация:** данная статья посвящается понятию и сущности коррупции, её анализу с помощью гражданско-правовых методов и способов, так как данное преступление требует комплексной борьбы с ней. Автор в качестве борьбы с коррупцией описывает возмещение ущерба, причиненного коррупцией через гражданско-правовые методы и средства, а также закрепляет основы признания соглашения недействительным. Также объясняет необходимость включения в договор понятие и комментарии о методах и способах против коррупции. В связи с чем, предлагает свои предложения по совершенствованию Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** коррупция, правонарушение, признания сделки недействительной, возмещения убытков, компенсации морального вреда, договор, иск, антикоррупционная оговорка

---

**Nurillo Imomov,**

Doctor of legal sciences, professor

## **CIVIL LAW METHODS AND MEANS OF FIGHTING AGAINST CORRUPTION**

**Annotation:** this article is devoted to the concept and essence of corruption that imposes complex struggle, and also civil-legal methods and means of the grappling with it. The author describes the various methods and means as a struggle against corruption such as to compensate for damage caused by corruption through civil-legal methods and means, as well as to expose the basis for recognizing the agreement/transaction as invalid, and also to include anti-corruption statement in the treaty. At the same time, based on stated methods and means, makes a proposal for the improvement of The Civil Procedural Code of the Republic of Uzbekistan.

---

---

**Keywords:** corruption, offense, recognition of a transaction as invalid, compensation for damages, compensation for moral harm, contract, lawsuit, anti-corruption clause

**For citation:** Nurillo Imomov. CIVIL LAW METHODS AND MEANS OF FIGHTING AGAINST CORRUPTION. Journal of Law Research. 2019, 9 vol., issue 1, pp. 81-93

**Х**уқуқ соҳалари ўзининг мақсадларидан келиб чиқиб ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва белгиловчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳимоя қилувчи каби функцияларни амалга оширишни назарда tutади. Шу жиҳатдан муҳофаза қилиш, қўриқлаш функцияси юклатилган ҳуқуқ соҳалари ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш, ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли санкциялар ва чораларни қўллаш ҳамда жамиятдаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган нормалар, қоидалар ҳамда тартиб-таомилларни белгилайди. Масалан, жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ соҳалари одатда ҳуқуқбузарнинг шахсига қаратилган санкцияларни қўллашни ва давлат фойдасига муайян миқдордаги пул суммасини ундиришни назарда тутатиш воситасида ҳуқуқни қўриқлаш функциясини амалга оширади. Бундан фарқли ўлароқ, хусусий ҳуқуқ соҳалари эса жабрланувчининг манфаатларини таъминлашга қаратилган нормаларни ўзида ифода қилади ва асосан ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигини таъминловчи воситалар (шартнома, медиация, ҳакамлик суди, талабнома)дан фойдаланади. Бироқ бу муайян воқеаликларга, шу жумладан салбий ва ижобий ҳолатларга нисбатан ҳуқуқ соҳаларининг комплекс, биргаликдаги ва уйғун қўлланилишини инкор этмайди. Жамиятдаги мавжуд салбий воқеаликлар ҳисобланган ҳуқуқбузарлик (шу жумладан, жиноий қилмиш)ларга қарши курашиш, уларни олдини олиш ва бартараф этиш эса ҳуқуқшуносликнинг, юрипруденциянинг ҳамда барча ҳуқуқ соҳаларнинг биргаликдаги вазифаси саналади. Бунда ҳар бир ҳуқуқ соҳаси ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ўзига хос усул ва воситалардан фойдаланади ҳамда ушбу жараёнга ўзининг муносиб улушини қўшади.

Фуқаролик ҳуқуқи ҳам хусусий ҳуқуқ тизимида марказий ўринни эгаллаган ҳолда ҳуқуқбузарлик (жиноий қилмиш)лар, шу жумладан, коррупция ҳуқуқбузарлигига қарши курашда ўзининг усул ва воситаларидан фойдаланади ҳамда жабрланувчининг манфаатларини таъминлаш, етказилган зарарларни қоплаш ҳамда ҳуқуқбузарга нисбатан қўшимча мулкий йўқотишларни юқлайдиган чораларни назарда tutади. Коррупция ҳуқуқбузарлиги қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситаларини қўллашнинг механизмлари ва таомилларнинг тўғри ва ўринли қўллаш эса, мазкур ҳуқуқбузарликнинг тушунчаси ва моҳиятини аниқлаб олиш талаб этилади.

Коррупция ҳуқуқбузарлиги одатда ва ҳеч шубҳасиз жиноий-ҳуқуқий қилмиш сифатида баҳоланади. Шу боис, коррупция биринчидан, ҳуқуқ нормалари талабларига зид бўлган, ижтимоий зарарли айбли қилмиш сифатида баҳоланадиган ҳуқуқбузарлик деб тушунилади. Иккинчидан, эса коррупция сиёсий элитанинг девиантив [1] ҳулқ-атворида қадар кенг тарқалган этиш ва уни маънавий ва ахлоқ нормаларини бузиш даражасида эътироф этиш мумкин [2].

Этимологик термин сифатида "коррупция" латинча "corruptio" сўзи "бузиш, гаразли сотиб олиш" маъноларини англатади. Бироқ иқтисодий муносабатларнинг бугунги ривожланиш шароитида, савдо ва тадбиркорлик соҳаси учун берилган

---

эркинликлар ва имтиёзлар тизимида коррупцияни одатдаги порахўрлик билан айни тушуниш ўринли бўлмас эди. Чунки, лоббизим, фаворитизм, протекционизм, сиёсий мақсадлар учун тўловлар, сиёсий лидерлар ва давлат амалдорларининг корпорациялар ва хусусий фирмаларнинг фахрий президенти лавозимига ўтиши, давлат бюджети ҳисобидан тижорат тузилмаларининг инвестицияланиши, давлат мулкининг акциядорлик жамиятларига ўтиши, жиноий уюшма алоқаларидан фойдаланилиши ва шу каби бошқа омиллар коррупциянинг ёпиқ шакллари дур.

Ҳеч шубҳа йўқки, коррупция ҳуқуққа нисбатан синтетик ижтимоий ёки криминологик тушунчадир, шу сабабли уни жиноятнинг аниқ таркиби сифатида эмас, балки турдош қилмишларнинг мажмуи, турли хилдаги ҳуқуқбузарликларнинг жамланмаси сифатида талқин этиш ўринлидир [11]. Бунда нафақат жиноий, балки маъмурий, фуқаролик, корпоратив, меҳнат, аграр ва шу каби бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар жамланмаси кўзга ташланади. Масалан, корпоратив муносабатларда аффилиланган шахслар билан битим тузиш қодаларини бузиш ёки йирик битимга нисбатан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этмаслик, ер қонунчилиги соҳасида белгиланган таомилларга амал қилмаган ҳолда ер участкаси билан боғлиқ мансабдор шахснинг қарор чиқариши, лавозимга тайинлашда муайян манфаатдан келиб чиқиб ёнбосиш ва шу кабилар келтириш мумкин.

Коррупция тушунчасига қисқа ва лўнда маънода шахсий мақсадларда фойда кўриш учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш, деб таъриф бериш мумкин. Чунки, ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупция бу мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати билан, унга берилган ваколатларни ўз манфаати йўлида суиистеъмол қилиш билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам коррупциянинг моҳиятини тушунишда фақат ҳуқуқий ёндашув тўғри бўлмас эди. Чунки, коррупция нафақат ҳуқуқий тартиботга қарши қаратилган хатти-ҳаракат балки, жамиятнинг ижтимоий-маънавий асосларига путур етказадиган ҳамда иқтисодий ривожланишни орқага тортадиган ўта зарарли омилдур. Мазкур ҳолатлар эса адабиётлар коррупциянинг моҳиятини аниқлашга нисбатан турли соҳаларо ёндашувларни келтириб чиқарадики, бундай ёндашувларни ҳар бир соҳадан келиб чиқиб талқин этиш мумкин. Жумладан, социологик ёндашувда коррупция ижтимоий касаллик, касал жамиятнинг синдроми сифатида кўрилади. Коррупция - социал ташкилот аъзоларининг индивидуал мақсади ва шу ташкилот мақсадлари ўртасидаги, шунингдек социал ташкилотнинг формал-мантиқий моҳияти ва социал табиати ўртасидаги қарама-қаршиликка асосланадиган ижтимоий бузилиш (дисфункция)нинг яққол намунаси дур [10].

Мазкур нуқтаи назарнинг дастлабки негизи сифатида узоқ вақт мобайнида ишлаб чиқилган бир қатор америкалик олимлар (Э.Бенфинд, Ж.Най)нинг коррупциялашган хулқ-атвор концепцияни эътироф этиш мумкин. Ушбу концепцияга кўра, коррупция деганда сиёсий арбоб, давлат хизматчиси, бизнесмен ва ҳар қандай шахснинг ўз хизмат вазифасини шахсий, оилавий ёки гуруҳ манфаатлари учун бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик тушунилади. Хусусан, Д.Бейлининг фикрича, коррупция ҳокимиятни суиистеъмол қилишни ўзида ифодалайди ва унинг натижасида шахсий мақсадларда фойдаланадики, бундан фойдаланиш моддий бўлиши мажбурий ҳисобланади. Ўз навбатида К.Фридрих коррупция - шахсий манфаатдорлик билан боғланган қонунийликдан четга чиқиш ҳаракати бўлиб, бунда шахсий (индивидуал, гуруҳ)

---

---

мақсадлар оммавийлик (давлат ва жамият) ҳисобидан таъминланади, деб ҳисобланади. Ж.Найнинг ёзишича, коррупция шахсий (индивидуал, оилавий), моддий ёки юқори мартабага эришиш мақсади таъсирида формал мажбуриятлар, оммавий вазифадан четга чиқиш ёхуд шахсий таъсирининг муайян турларини таъқиқловчи қоидаларнинг бузилиши ҳисобланади [4]. М.Жонсон ўзининг "Сиёсий ҳаёт сифати ва коррупция муаммолари: ечимни ахтариш" номли ишланмасида коррупция - бу мавжуд қоидаларда мансабдор шахслар учун белгиланган талаблардан четга чиқиш ва ўзи учун, оиласи учун ёки тор доирадаги бир гуруҳ шахслар учун моддий бойлик олиш ёки мақомга эга бўлиш мақсади билан асосланган, шунингдек мансаб функцияларидан шахсий мақсадларда фойдаланишга оид хатти-ҳаракатлардир [7].

**Шу нуқтаи назардан ғарб тадқиқотчилари коррупциянинг қуйидаги асосий белгиларини ажратиб кўрсатишади:**

- хулқ-атворнинг муайян қоидаларидан четга чиқиш ёки уларни бузиш;
- моддий ёки бошқа тусдаги, шунингдек сиёсий йўналишдаги шахсий (индивидуал, оилавий, гуруҳ) мақсадларнинг мавжудлиги;
- бундай мақсадларди оммавий (ижтимоий, давлат) ҳисобидан амалга ошириш [8, 6].

Коррупциянинг моҳиятини талқин этиш ва тушунишдаги навбатдаги ёндашув иқтисодий ёндашув ҳисобланади. Иқтисодий ёндашувнинг тарафдорлари коррупциянинг иқтисодий моҳиятини ва ушбу воқеъликнинг жаҳон иқтисодий тизимига зарарли (ҳалокатли) таъсирини очиб беришади. Ушбу ёндашувнинг назарий ишланмалари америкалик неоинституционал йўналишдаги иқтисодчилар 1970-йилларда вужудга келган. Мазкур ёндашувнинг асосий госяи ҳар бир мамлакатда "табiiй", "нормал" даражадаги коррупциянинг мавжудлиги ҳисобланади. Бу ҳолат агар иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларини давлат томонидан тартибга солиш (экспорт-импорт чекловларини жорий этиш, корхоналар ёки соҳаларга турли субсидиялар ва солиқ имтиёзларининг ўрнатилганлиги, нархни назорат қилиш тизимининг мавжудлиги, турли валюта курслари сиёсати ва шу кабилар) билан боғлиқ мавжуд бўлган ҳолатида янада ошиб бораверади [8].

Таъкидлаш лозимки, коррупция тушунчасига ҳуқуқий ёндашув вакиллари ушбу воқеъликда энг аввало ҳуқуқбузарлик ҳолати деб ҳисоблаш ва айнан шу жуҳатдан уни талқин этиш лозимлигини қайд этишади. Чунки, ҳуқуқий нуқтаи назардан коррупция қарши курашиладиган, олдин олиниши лозим бўлган, бартараф этилиши талаб этиладиган, жазога сазовор бўлган қилмиш ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупцияга хос бўлган жиҳат унинг давлат ва жамият учун ўта зарарли ва ҳалокатли ҳуқуқбузарлик эканлигидан келиб чиқади ва ана шу нуқтаи назардан талқин этилади. Коррупциянинг моҳияти кенг талқин этиш тарафдорлари унинг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатишади:

- ушбу воқеъликнинг социал-ижтимоий аҳамияти шубҳасиз юқори ҳисобланади;
- ҳокимият ваколатлари, мақоми ва жамиятда, бошқа ижтимоий қатламлар ва гуруҳларда муҳим ўринга эга бўлган махсус субъектлар гуруҳининг мавжудлиги;
- коррупция субъектларининг хизмат ваколатларини, ўзлари билан боғлиқ авторитет (нуфуз) ва имкониятларидан ноқонуний фойдаланишлари;
- жамият, давлат ва бошқа шахсларнинг манфаатларига зид равишда шахсий ёки тор доирадаги гуруҳ ёхуд корпоратив йўналишдаги ғаразли ёки ўзга мақсадларнинг мавжудлиги [8, 6].

---

---

Коррупциянинг моҳияти мансаб ваколатларидан четга чиқиш, уни суиистеъмоли қилиш шахсий, оилавий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши билан тавсифланади. Шу сабабли ҳам унинг энг аънавий ҳолатларидан бири порахўрлик билан боғлиқдир. Бу борада америкалик сиёсатшунос Дж. Най қуйидагиларни билдиради, коррупция порахўрлик (шахсга муайян хатти-ҳаракат қилиш эвазига бериладиган ҳақ), непотизм (шахсий алоқалар асосида шафъелик қилиш) ва шахсий фойдаланиш учун оммавий воситаларини ноқонуний қўлга киритиш [9].

В.К.Максимовнинг фикрича, ижтимоий-социал жиҳатдан коррупция мансабдор шахснинг девиантив хулқ-атворини намоён этади ва у томонидан ўз ваколатларидан жамият, давлат ва бошқа шахсларнинг манфаатларига қарама-қарши ўлароқ ноқонуний фойдаланишда ифодаланадиган ҳамда шахсий, тор доирадаги гуруҳ ёки корпоратив мақсадларда даромад олишни кўзлайдиган ҳолатдир [5].

Мансаб ваколоти сифатида фақат давлат ҳокимияти ва давлат хизматчиси ҳисобланган ёки фуқароларнинг ўзи-ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахсининг эмас балки, корпоратив бошқариш ваколатларига эга шахсларнинг ваколатларидан белгиланган қоидалардан четга чиқиб манфаатдор бўлиши билан боғлиқ мақсадга мувофиқдир. Чунки, корпоратив бошқарув соҳасидаги мансабдор ҳам ҳар қандай ҳолатда қонунийлик, ҳалоллик ва оқилоналик асосида иш олиб бориши ва ўзининг хизмат ваколатларини шахсий мақсадларда суиистеъмоли қилмаслиги талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунига биноан коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдир.

Коррупция тушунчасига берилган мазкур легал тушунчадан англашиладиган энг муҳим белгилардан бири сифатида мақсад ва ҳаракатни кўриш мумкин. Яъни, мақсад - "шахсий манфаатлар ёки ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш" ҳисобланса, бунга эришиш учун ҳаракатнинг қонунга хилофлиги ва бунда мансаб ёки хизмат мавқеидан фойдаланилиши билан боғлиқлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, қонунда ифодаланган мазкур таърифдан коррупциянинг қуйидаги элементларини ажратиш мумкин:

1) мансаб ёки хизмат мавқеидан муайян мақсад (шахсий ёки ўзга шахснинг манфаати учун моддий ёки номоддий наф кўриш) учун қонунга хилоф фойдаланиш;

2) ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Биринчи ҳолатда, шахснинг ҳаракатлари келгусида наф кўришга қаратилган қонунга хилоф фаолият бўлса (масалан, ноқонуний қарор қабул қилиш, битим тузиш ёки қўллаб-қувватлаш), иккинчи ҳолатда тўғридан тўғри муайян нафни тақдим этиш ҳолати (ўз одами лавозимга тайинлаш, давлат мулки ёки хусусий мулк объектини қариндоши ёки ўзи билан тил бириктирган шахс фойдасига олиб бериш, рейдерлик ва ҳ.зо) ҳисобланади.

---

Коррупция ўта мураккаб ижтимоий, иқтисодий, социал ва ҳуқуқий воқеълик бўлганлиги сабабли ҳам унга қарши кураш комплекс равишда ва кенг қамровли амалга оширилиши талаб этилади. Бунда ижтимоий нуқтаи назардан аҳолининг турмуш фаровонлиги ошириш, реал даромад топиш имкониятини ва иш ўринларини яратиш, давлат органлари ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг мақбул тартибга солиш йўналишларини белгилаш, давлат органлари томонидан бериладиган турли рухсат бериш ва назорат қилиш функцияларини бекор қилиш ёки "мансабдор ва фуқаро" ўртасидаги бевосита боғланишни ифодаламайдиган давлат хизматлари тизимини яратиш каби чоралари муҳим ўрин тутаети. Иқтисодий нуқтаи назардан эса коррупцияга қарши кураш иқтисодий фаолиятнинг барча босқичларида мансабдор шахсларнинг бевосита иштирокини камайтиришга қаратилган давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишнинг, лицензиялаш ва патентлашнинг либераллашган тизимини яратиш билан боғлиқдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларидан тортиб, йирик компания ва концернлар фаолиятини назорат этиш, турли текширувлар ва ҳисоботларни юритишда мансадор шахс ёки давлат хизматчиси билан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзаро "жонли боғлиқлигига" олиб келмайдиган лицензиялаш, патенлаш, рухсатнома беришлар, рўйхатдан ўтказишлар тизимини жорий этиш қутилган самарани бериши мумкин.

Социал нуқтаи назаридан эса коррупция қарши курашда таълим ва тарбиянинг ўрнини ошириш, кишилар онгида мавжуд масалалар ва муаммоларни коррупциясиз ҳал этишнинг қонуний йўллари мавжудлигини сингдириш, коррупцияга олиб келувчи социал муаммолар ва масалалар тури ва рўйхатини аниқлаш, жамоатчиликнинг давлат органлари билан ишлаш фаоллигини кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқнинг вазифалари муҳим аҳамиятга эга, албатта. Бироқ фақат коррупция жиноятини содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазо тайинлашнинг ўзи етарли бўлмаслигини эътибордан четга чиқармаслик керак. Кўп ҳолатларда эса коррупция оқибатларни бартараф этишда жиноий жазонинг ўзи етарли бўлмайди. Аксарият ҳолатларда эса коррупция оқибатида давлатга ва шахсларга етказилган зарарлар қопланмасдан кетаети ва бу мамлакатнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис коррупция қарши курашда жиноий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий чоралари билан бирга хусусий-ҳуқуқий усул ва воситалардан фойдаланиш мазкур салбий иллатга қарши курашни комплекслилик даражасини оширади ва ўзига хос ижобий самара беради.

Коррупцияга қарши курашиш деганда, биринчи навбатда киши тасаввурда ҳосил бўладиган ҳолат бу коррупция жиноятини содир этган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазолар ҳисобланади ва буни содир этган шахс қанча муддатга озодликдан маҳрум этилгани билан қизиқилади. Бироқ мазкур жазо билан бирга, коррупция жиноятини содир этган шахс қанча миқдорда давлатга ва шахсларга етказилган зарарни қоплаганлиги, мулкий санкцияларнинг қўлланилганлиги масалаларига алоҳида ва етарлича эътибор қаратилмайди. Фикримизча, энг аввало коррупция ҳуқуқбузарлиги натижасида етказилган зарарларни аниқлаш, ҳисоблаш ва уларни қоплатиш чораларини кўриш коррупцияга қарши курашнинг муҳим йўналишларидан саналади.

---

---

Амалдаги фуқаролик қонунчилигида коррупцияга қарши курашни назарда тутувчи, бевосита шундай атамадан фойдаланилиб белгиланган чоралар, усул ёки воситалар мавжуд эмас. Бироқ фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усулларидан аксарияти коррупцияга қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларни бартараф этиш сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида белгиланган "битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш", "давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш", "давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламалиги" усуллари билан бирга, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш, негатор даъво ва шу каби бошқа усуллардан коррупцияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда фойдаланиш мумкин.

Маълумки, мазкур усуллари асли фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида белгиланган ва шахс ҳуқуқлари бузилганда уни ҳимоя қилиш чораларини ифода этади. Коррупция ҳам давлат ва шахс ҳуқуқларини бузилишига олиб келадиган ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракати саналганлиги сабабли ҳам унга қарши курашда, унинг салбий оқибатларни бартараф этишда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, коррупциявий ҳуқуқбузарлик оқибатида тузилган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш орқали шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланади, етказилган зарар қопланади ҳамда реституция қўллаш орқали "ҳуқуқий мувозанат" ўрнатилади.

Юқорида таъкидланганидек, коррупция мансаб ёки хизмат ваколатлари суиистеъмол қилиш орқали моддий ёки номоддий наф кўриш воситаси ҳисобланади. Шу сабабли коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситаларининг асосий мақсади ана шу моддий манфаатдорликни қайтариш ва унинг оқибати етказилган зарарларни қоплашга қаратилиши лозим. Бунда асоссиз орттирилган бойликни қайтариш ва деликт мажбуриятларининг қондаларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қайд этиш зарурки, амалдаги қонунчиликда мансабдор шахслар ва хизматчилар учун бир қатор таъқиқлар ва чекловлар ўрнатилганки, буларга риоя этмаслик муайян коррупциявий элементларни вужудга келтириши мумкин. Айни пайтда давлат хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган чекловлар ва таъқиқларни тақдим этиш фуқаролик қонунчилиги нормаларни қўллаш талаб этади. Бунда фуқаролик, уй-жой, ер, тадбиркорлик (корпоратив) қонунчилик хусусий табиатга эга бўлади ва улар қўллаш тартибга солишнинг диспозитив моделига асосланиши лозим. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти таъқиқлар ва чекловлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдаки, бу ҳолат коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги нормаларни фуқаролик қонунчилиги, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги нормалар билан тизимли боғлиқлигидаги камчиликлар оқибати саналади.

"Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши билан коррупцияга қарши кураш мақсадида ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар ва талаблар, хусусан айрим тоифадаги шахсларнинг ҳада олишга тааллуқли чекловларни тартибга солиш масаласи алоҳида долзарблик касб эта бошлади. Бироқ амалдаги қонунчиликда мансабдор шахслар ва давлат хизматчилари

---

---

томонидан совга олиш билан боғлиқ қоидалар мавжуд эмаслиги бу борадаги муаммоларни кўпайтиради. Қолаверса, мазкур ҳуқуқий бўшлиқ юриспруденцияда узоқ вақтдан буён ечимини топиш қийин бўлиб келаётган муаммолар муайян хатти-ҳаракат ва фаолиятнинг жинойи-ҳуқуқий ёки фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш предмети эканлигини аниқлашни мураккаблаштиради. Шу боис мансабдор шахслар ва давлат хизматчилари томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган ҳалянинг энг кўп миқдорини белгилаб қўйиш коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос чораларидан бири саналади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда коррупцияга қарши курашнинг яна бир усули сифатида шартномадаги коррупцияга қарши изоҳнинг мавжудлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, "коррупцияга қарши кураш изоҳи" ва иштирокчиларнинг коррупцияга қарши ҳулқ-атворини таъминловчи шартнома шартини фарқлаш лозим бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, 2000-2005 йилларда қонунчиликни ишлаб чиқишда чет эл иштирокидаги компаниялар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар барқарорлиги учун махсус "асоратга солувчи изоҳлар"дан фойдаланишган ва бундай изоҳлар келгусида муайян муддатгача, масалан инвестиция лойиҳасидан кутилган натижага эришилгунча тадбиркорлик фаолиятининг "шартлари ёмонлашмаслиги"ни таъминлайди, деб ҳисоблашган. Кейинчалик бундай изоҳлар шартнома тарафларидан бири хорижий инвестор бўлганида шартнома юзасидан келишувлар ўтказишда коррупция қарши "изоҳ" сифатида қўлланила бошлади ва шартноманинг муҳим ва мажбурий шартига айланди. Вақт ўтиши билан шартномага бу турдаги изоҳнинг киритиши анъанага айланди ва усиз хорижлик контрагент шартнома тузишни рад этишарди. Хорижлик компаниялар шартнома тузишда халқаро ёки корхона асосий активлари жойлашган мамлакат амалиёти ёки компаниянинг ички сиёсатига ёхуд юридик консалтинг бюронинг тавсиясига таяниб ёхуд коррупцияга қарши изоҳ тўғрисидаги талабни қўллаб-қувватламасларда, шартнома шarti сифатида бундай изоҳ киритилишини талаб этишади. Амалдаги қонунчиликда фаолиятнинг муайян соҳаларида коррупцияга қарши курашнинг махсус чора тадбирлари назарда тутилган бўлиб, уларда нафақат давлат бошқарув, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳаларида балки, тадбиркорлик, манфаатлат тўқнашуви, давлат харидлари соҳаларида коррупцияга қарши кураш чора-тадбирлари белгиланган. Мазкур чора-тадбирлар сифатида "тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик" ("Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддаси) назарда тутилган. Мазкур қоида тадбиркорлик фаолиятини ҳалол амалга оширилиши назарда тутати ва бундан шартномадаги "коррупция қарши изоҳ" шarti ҳам англашилади. Бундан ташқари, давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича вазифаларидан бири сифатида ҳалол ва соғлом иш муҳитини яратиш ҳисобланади. Бунда ҳар бир ташкилот коррупция қарши қандай усул ва воситалар билан курашишини ўзи мустақил белгилаши ҳам мумкин бўлиб, муҳим бу чоралар қонуний бўлиши талаб этилади. Масалан, юридик шахс ўз ходимларининг меҳнат йўриқномалари, одоб-ахлоқ қоидаларида ва ички локал ҳужжатлари коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш қоидалари белгилаши, ходимлари билан тузилаётган меҳнат шартномалари ва ёки фуқаролик-ҳуқуқий битимларда ходимларнинг ҳалол



---

---

ва қонуний иш олиб боришларига доир талабларни назарда тутиши мумкин. Жумладан, корхона контрагентлари билан шартномалар тузиш ва музокаралар олиб боришга масъул бўлган ходим билан корхона манфаатлари учун ҳалол иш юритиш ҳамда контрагентлар билан тил бириктириб коррупцияга йўл қўймаслиги шартини белгилаш орқали коррупцияга қарши курашишига йўл қўйилади. Одатда бунда совғалар олиш, хизматдан фойдаланиш, хизмат сафарларидаги хулқ-атвор, вакиллик харажатлари ва ходимнинг учинчи шахслар билан бошқа шахс манфаатлари учун муносабатга кириши каби жиҳатлари тартибга солиниши лозим бўлади. Бироқ бу муносабатлар муносиб хулқ-атворда бўлишни тартибга солишга тааллуқли бўлиб, бир бири билан шартномавий муносабатга киришаётган ва битимлар тузаётган ташкилотнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солмайди. Бундай шартномаларда коррупция қарши изоҳлар муайян оқибат келтириб чиқрмайди. Ўз навбатида, изоҳ (писанда) коррупцияга қарши кураш чораларидан бири ҳисобланади, бироқ бунда иккала тарафнинг ҳам хоҳиш-истаги талаб этилади, чунки тарафлардан бири бундай изоҳни шартномага киритишни истамаслиги мумкинки, бу унинг ҳуқуқидир. Шартномага коррупцияга қарши изоҳни киритишни рад этиш, биринчи навбатда ташкилотга қўлланилаётган турли коррупцияга қарши сиёсат билан боғлиқ бўлиши мумкин. Юридик ёки жисмоний шахс коррупцияга қарши қонунчилик ва битимни арашлаштириб юбормаслик учун шартномага изоҳни киритишни рад этиши мумкин, чунки қонунчиликда белгиланган коррупцияга қарши қоидалар битим ўзининг табиатига кўра турли ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга мувофиқ шартнома тарафлари шартнома бажарар экан бир-бирининг олдида ёки учинчи шахслар олдида қўшимча мажбурият олишга ва бунинг учун жавобгарликни зиммасига олишга мажбур эмас (шартномалар эркинлиги).

Таъкидлаш зарурки, амалдаги қонунчиликда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатга киришишларида коррупцияга қарши қонунчиликка риоя этиш мажбуриятини шартномада коррупцияга қарши изоҳни белгилаш ёки бу ҳолатларда мажбуриятнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиш йўли билан назарда тутмайди. Бугунги кунда умумий талабдан келиб чиқиб, якка тадбиркор мақомига эга бўлган жисмоний шахс ҳамда бундай мақомга эга бўлмаган жисмоний шахс, шунингдек юридик шахс коррупцияга қарши кураш қонунчилигига риоя этишлари лозим, бироқ бир-бирлари билан тузиладиган шартномаларда коррупцияга қарши изоҳни киритишга мажбур ҳисобланмайди.

Коррупцияга қарши изоҳлар англосаксон ҳуқуқ тизимида фойдаланилади ва ишбилармон шериклар контракт тузишлари билан бирга, пора бермаслик мажбуриятини зиммасига оладиган қўшимча келишув имзолашлари лозим бўлади. Бу шартнинг бузилиши эса кейинчалик компенсация талаб эт иш учун асос ҳисобланади.

Шу билан бирга, мазкур қўшимча келишувлар ахлоқий тус касб этади ва ахлоқ нормалари ҳуқуқ нормаларига айлантирилган, бизнесдаги ахлоқ қоидалари қонун нормаси сифатида эътироф этиладиган ва ахлоқ нормаларини бузилиши жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган мамлакатларда фойдаланилади. Бироқ қитъа ҳуқуқ тизими мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳозирги босқичда шартнома тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёки коррупцияга қарши изоҳни кенг ёйиш самарасизир. Қўшимча келишувлар эса шартнома тарафлари жавобгарлигининг асосий шакллари белгиланган асосий шартнома

---

---

билан биргаликда амалда бўлади. Масалан, кейинги пайтларда амалиётда кенг тарқалмаётган, асосий шартномада коррупцияга қарши изоҳ сифатида киритиш учун асос бўлмайдиган дастлабки ёки қўшилиш битимлари.

Фуқаро ёки мансабдор шахс коррупциявий схемаларда иштирок этганлиги исботланган ҳолларда у жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик доирасида жавобгар бўлади. Бугунга кунда коррупцияга қарши изоҳни қўллаш ёки шартнома шартига тарафларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини киритиш шартномалар эркинлиги тамойилининг амал қилиши муносабати билан имконсиз ҳисобланади.

Коррупциявий хавф-хатарларнинг мавжудлигида фуқаролик-ҳуқуқий шартномада стандарт коррупцияга қарши изоҳларни киритиш ёки шартномавий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида қуйидаги мазмудаги қоидаларни белгилаш мумкин:

1. Шартнома тарафлари, уларнинг аффилиланган (ўзаро алоқадор) шахслари, ходимлари ва воситачилари бошқа тарафнинг ходимлари ва вакилларига бевосита ёки билвосита пул маблағлари ва бошқа қимматликларни, уларнинг ҳаракатлари ёки шартнома бўйича қарорларига ёки бошқа ноқонуний имтиёз учун таъсир ўтказиш мақсадида таклиф қилиши ёки тўлаши мумкин эмас.

2. Шартномани ижро этишда пора олиш/бериш, тижорат соҳасидаги порахўрлик, мансаб ваколатлари суиистёмол қилиш сифатида квалификация қилинадиган ҳаракатлар, шунингдек жинойий йўл билан қўлга киритилган даромадларни легаллаштириш ва шартнома тарафлари ўртасидаги ҳамда учинчи шахслар ва давлат органлари муносабатларидаги бошқа коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид қонунчилик талабларини бузишларига йўл қўйилмайди.

3. Шартнома тарафларидан бирида мазкур талаблар бузилиши мумкинлиги тўғрисида реал асослар вужудга келганда, у бу ҳақда ёзма равишда бошқа тарафни хабардор қилиш, ҳаттоки юзага келган вазиятда шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш масаласини қўйиши мумкин.

4. Шартнома бўйича коррупциявий ҳуқуқбузарлик хавфи аниқланган ҳолларда, тегишли тараф бу ҳақда хабар топганидан сўнг 10 кунлик муддати ичида бошқа тарафга тегишли тасдиқлари билан мазкур ҳолатларни бартараф этиш бўйича қўрилган чоралар хусусида хабарнома юбориши лозим.

5. Шартнома бажариш билан боғлиқ коррупциявий ҳуқуқбузарлик аниқланган ҳолларда жабрланган тараф шартнома бажаришдан бир томонлама тўлиқ ёки тегишли қисмидан бош тортишга ҳақли бўладиги, охир-оқибат бу иккинчи томон бу ҳақда хабар олганидан шартномани тўлиқ ёки қисман бекор бўлишига олиб келади [1].

Жабрланувчи тараф иккинчи тарафнинг айби билан шартнома бир томонлама бекор бўлиши натижасида етказилган зарар (ҳақиқий зарар ва бой берилган фойда)ни тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. Бундан ташқари, айбдор тарафдан неустойка, масалан шартнома баҳосининг 50% миқдорида жарима ундирилиши мумкин. Фикримизча, бу ҳолатларда ундирилаётган жариманинг миқдори юқори бўлиши ва жаримали неустойка шакли қўлланилиши лозим. Қолаверса, коррупциявий ҳуқуқбузарлик натижасида шартноманинг бекор бўлиши муносабати билан қонунчиликка неустойканинг энг юқори миқдорини белгилаш хусусидаги қоида киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фикримизча, бу турдаги неустойка Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи

---

---

субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига 33-1-моддаси сифатида киритилиши ва қуйидаги таҳрирда ифодаланиши лозим:

33-1-модда. Коррупциявий ҳуқуқбузарлик натижаси шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик

Коррупциявий ҳуқуқбузарлик натижасида шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун айбдор тараф бошқа тарафга шартнома суммасининг 75% миқдориди жарима тўлайди. Жарима тўлаш етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Қайд этиш лозимки, коррупцияга қарши курашишни юридик техника нуқтаи назаридан комплекс чоралар ва воситаларни тайёрлаш ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни таҳлил қилиш сифатида эътироф этиш мумкин. Хусусан, Д.Гончарованинг фикрича, бунга асосий сабаблардан бири жиноят қонунчилигидаги муаммолар ва тизимсизликда эмас, балки биринчи навбатда фуқаролик ҳуқуқининг мазкур масалага бағишланган алоҳида нормаларининг такомиллашганлигида ҳамдир, чунки айнан фуқаролик ҳуқуқи жамиятнинг иқтисодий ҳаётини тартибга солади. Инчунун муайян даврда жамият ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқлар ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги тегишли муаммоларни вужудга келтиради [3]. Коррупция қарши самарали кураш олиб боришдаги муҳим сабаблари ва шартлари сифатида жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг коллизияларини бартараф этиш, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқий шартномада коррупцияга қарши изоҳ билан тузиладиган ёхуд коррупцияга қарши лозим даражадаги хулқ-атворда бўлишга оид шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиладиган (мазкур шартнинг мажбурийлиги, бироқ шартномалар эркинлиги тамойилини бузмаслиги) иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги (масалан, банкротлик, ноқонуний тадбиркорлик ва банк фаолияти) қоидалар эътироф этилади. Бироқ бу қоидалар тарафларнинг хоҳиш истаги билан киритилиш ва шартнома эркинлиги тамойилига зид бўлмаслиги лозим. Шу сабабли амалдаги қонунчиликда шартнома тушунчасига оид қоидаларга тегишли ўзгартиришни киритиш ва ФКнинг 353-моддасини янги учинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, бу қоида қуйидаги таҳрирда ифодаланиши мақсадга мувофиқ:

Тарафларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларига коррупциявий схемада қатнашмаслик талаби киради.

Назаримизда, ФКга бундай норманинг киритилиши шартномада тузишда коррупциявий схемаларга йўл қўйилмаслик, коррупциявий схемадан келиб чиқадиган ҳуқуқлар ва бурчлар юридик оқибатларни келтириб чиқармаслигини англатади. Шу сабабли коррупциявий схемаларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда қўлланилиши бу турдаги шартномаларнинг ҳақиқий эмаслигига, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплашни ва юқори миқдордаги неустойка ундирилишига асос бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида "фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик мажбуриятларини виждонан ва муносиб амалга оширишни таъминлашга қаратилган чора ва воситаларни такомиллаштириш"

---

---

вазифаси белгиланган. Мазкур вазифани бажаришда ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардаги коррупцияга қарши курашиш воситаларда бири қонунчиликда шартнома ва қонуннинг ўзаро нисбати борасидаги қоидаларнинг ўрнатилиши муҳим ҳисобланади. Бироқ ҳозирда миллий қонунчиликда шартнома қонуннинг ўзаро нисбатан борасида аниқ қоида назарда тутилмаган. Фикримизча, бундай қоида ФКнинг янги таҳририда ўз ифодасини топиши ва янги "шартнома ва қонун" номли модда киритилиши ҳамда қуйидаги таҳрирда белгиланиши лозим:

Шартнома у тузилаётган пайтда амалда бўлган қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжат (императив норма)да белгиланган томонлар учун мажбурий бўлган қоидаларга мос бўлиши лозим.

Агар шартнома тузилганидан кейин тарафлар учун мажбурий бўлган, шартнома тузилаётган пайтдагидан бошқача қоидаларни белгилайдиган қонун қабул қилинган бўлса, тузилган шартноманинг шартлари ўз кучини сақлаб қолади.

Шартномани тузиш ва бажаришда коррупция элементлари аниқланганда, тарафлар бу ҳақда бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари ҳамда бунга тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа далилларни бошқа томонга тақдим этишлари лозим.

Назаримизда, янги таҳрирда қабул қилиниши кутилаётган ФКга бундай қоидаларнинг киритилиши фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни виждонан ва муносиб амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади ҳамда коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаси сифатида аҳамиятли саналади.

Қайд этиш ўринлики, коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситаларига нималар кириши ва уларнинг рўйхати борасида аниқ тасаввурлар ва қарашлар шаклланмаган. Кўп ҳолларда бундай фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллар ва воситаларнинг айримлари коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситалари сифатида кўрилади. Албатта, турли ракурслар ва асослардан келиб чиқиб, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг у ёки бу усулини коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик усули сифатида талқин этиш мумкин. Бироқ ҳамма ҳолатларга ҳам мос келадиган ва универсаллик касб этадиган коррупцияга қарши фуқаролик-ҳуқуқий усул мавжуд эмаслигини таъкидлаш лозим. Ҳаттоки амалдаги қонунчиликда жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашга оид махсус норма мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, коррупцияга қарши курашда ФКнинг 11-моддасида санаб ўтилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг анъанавий усулларида ташқари қуйидаги фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситалардан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин:

- 1) ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги;
- 2) аффилиланган шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришишнинг таъқиқланиши (корпоратив бошқарув муносабатларида);
- 3) йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш;
- 4) асоссиз ортирилган бойликни қайтарилиши;
- 5) мусодара (ФКнинг 204-моддаси);
- 6) шартномага коррупцияга қарши изоҳни киритиш.

---

#### Иқтибослар/Сноски/References

1. Девиантив хулқ-атвор (шунингдек ижтимоий девиация, чекиниш, инкор этиш хулқ-атвор, лотинча *deviatio* - чекиниш) - шахснинг умумқабул қилинган, кенг тарқалган ва барқарор ижтимоий нормалардан чекинишга қаратилган барқарор хулқ-атворидир. Салбий девиантив хулқ-

---

---

атвор жамият томонидан расмий ва норасмий санкциялар (чеклаш, ажратиш, даъволаш, тузатиш ёки ҳуқуқбузарни жазолаш)ни қўлланилишига олиб келади. (Deviant behavior (as well as social deviation, retreat, denial of behavior, lat.deviation-deviation) is a stable behavior of the individual, to retreat from the generally accepted, widespread and sustainable social norms. Negative deviant behavior entails the application of formal and informal sanctions by society (restriction, division, demand, correction or punishment of the offender).)

2. Андреева Л.А. Актуальные вопросы противодействия коррупции в гражданско-правовых отношениях // Вопросы современной юриспруденции: сб. ст. по матер. LXVII междунар. науч.-практ. конф. № 11(61). - Новосибирск: СибАК, 2016. - С. 24-36. (Andreeva L.A. Actual issues of combating corruption in civil law relations // Questions of modern jurisprudence: Coll. Art. on mater. LXVII int. scientific-practical conf. № 11 (61). - Novosibirsk: SibAK, 2016. - p. 24-36.)

3. Гараев Р.Ф., Селихов Н.В. Понятие коррупции // Следователь. -2001. -№2. -С.43-50. (Garaev R.F., Selikhov N.V. The concept of corruption // Investigator. -2001. -№2. -С.43-50.)

4. Гончаров Д. Межотраслевая коллизия уголовного и гражданского законодательства России // Уголовное право. 2002. № 3. С. 95-96. (Goncharov D. Interdisciplinary Collision of the Criminal and Civil Legislation of Russia // Criminal Law. 2002. № 3. P. 95-96.)

5. Климова М.В. Понятие коррупции // Актуальные проблемы российского права. 2009. - № 3. - С. 435. (Klimova M.V. The concept of corruption // Actual problems of Russian law. 2009. - № 3. - p. 435.)

6. Максимов В.К. Понятие коррупции (криминологический аспект) и меры ее предупреждения в государственном аппарате: автореф. дис. канд. юрид. наук. - М.: 2005.

7. Максимов В.К., Наумов Ю.Г. Коррупция (социально-экономические и криминологические аспекты). М., 2006. С.18. (Maksimov V.K. The concept of corruption (criminological aspect) and measures to prevent it in the state apparatus: author. dis. Cand. legal sciences. - M.: 2005.)

8. Международный журнал социальных наук. 1997. № 16. С. 24. (International Journal of Social Sciences. 1997. № 16. S. 24.)

9. Наумов Ю.Г. Коррупция и общество: теоретико-экономическое и прикладное исследование. Владимир, 2007. С.19. (Naumov Yu.G. Corruption and society: a theoretical economic and applied research. Vladimir, 2007. P.19.)

10. Ответственность за должностные преступления в зарубежных странах. -М., 1994. (Responsibility for malfeasance in foreign countries. -M., 1994.)

11. Рогозин Г. Коррупция как угроза для цивилизованного развития гражданского общества // Regla. Научно-культурологический журнал. 2006. №21. С. 16. (Rogozin G. Corruption as a threat to the civilized development of civil society // Regla. Scientific and cultural journal. 2006. №21. P. 16.)

12. Шакирьянов М.М. Понятие коррупции: научные и правовые аспекты // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2010. - № 1. - С. 25. (Shakiryaynov M.M. The concept of corruption: scientific and legal aspects // Bulletin of the Kazan Law Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia. 2010. - № 1. - p. 25.)